

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ**

**Институтнинг 85 йиллик  
юбилейига бағишланади**

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ:  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(VI-қисм)**

**(2016 йил 19-20 февраль)**

**САМАРҚАНД – 2016**

**Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари /** 2016 йил 19-20 февраль. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (VI-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2016. – 292 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

**Нашр учун масъуллар:**

**М.М.Мухаммедов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Ж.Р.Зайналов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**И.С.Тухлиев** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**К.Б.Уразов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Б.А.Абдукаримов** – иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, шу орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

xo‘jalik ob‘ektlari uchun tuzatib bo‘lmaydigan salbiy oqibatlarni keltirib chiqaradi<sup>1</sup>.

Shunday ekan, mehnat bozori infratuzilmasi shakllanishi va rivojlanishining muhim shart-sharoiti, vositasi bo‘lib, uning sub‘ektlari o‘rtasidagi aloqalarni ta‘minlovchi mehnat bozori axborot bazasini shakllantirishdan iboratdir. Aholini ish bilan bandligini ta‘minlashda axborot bazasini vujudga keltirish va takomillashtirish hududiy ish bilan bandlik xizmati organlari o‘rtasida yagona ish bilan bandlik siyosatini yuritish ular o‘rtasida kommunikatsiya aloqalarni ta‘minlash hamda transaksion xarajatlarni qisqartirish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Mehnat bozorida axborotlarning yo‘qligi yoki etishmasligi ish bilan bandlikka ko‘maklashish doirasida nomutanosib holatlarni keltirib chiqaradi, agarda bo‘sh ish o‘rinlariga ishchi kuchi etishmaydigan joyda ishsizlar mavjud bo‘lsa, qanday qilib bo‘sh ish joylari tuzilmasini to‘ldirish orqali ishsizlik darajasini kamaytirish mumkin. Shu sababli mehnat bozorida hududiy ish bilan bandlik siyosatini samarali amal qilishi uchun hududdagi bo‘sh ish joylarining sifatli tasnifi va ishsizlar soni haqida barcha operativ ma‘lumotlarni o‘z ichiga oluvchi, ishchi kuchiga talab va taklifni tartibga solish bo‘yicha hududiy axborot bazasini yaratish zarur.

Mehnat bozori hududiy axborot bazasi ish bilan bandlik va mehnat sohasida fuqarolarni o‘z-o‘zini himoyalashning qo‘llab-quvvatlashini o‘z ichiga oluvchi huquq va majburiyatlar haqidagi axborotlarni saqlash, normativ aktlar va ularni mustahkamlash haqida, ularning ijrosini ta‘minlash, ijtimoiy-huquqiy maslahatlar va ijtimoiy-mehnat muammolarining echimi uchun zaruriy ma‘lumotlarni ta‘minlashi kerak.

**Ш.А.Мусаева** – СамИСИ доценти, и.ф.н.,

**Д.Э.Бўтаев** –СамИСИ, ММР-115 гуруҳ магистранти

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ**

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш давридаги долзарб муаммолардан бири таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришидир. Бунга эришиш таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштира бориб, рақобатбардош, малакали ишчи кучи ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқарувчи мутахассисларни шакллантириш ва такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ. Ҳақиқатда ишчи кучи меҳнат бозорида талабгор бўлиши учун билим, муайян мутахассисликка, касбий тайёргарликка эга бўлиши лозим.

---

<sup>1</sup> G‘ulomov S.S.Axborot tizimlari va texnologiyalari. -Т.: “Sharq”. 2000. -92 б.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш Мамлакатимиз раҳбариятининг димий эътиборида бўлиб келмоқда “Жумладан, таълим тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоиз йўналтирилади таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоиз кўпайди”<sup>1</sup>. Ушбу рақамлардан кўришиб турибдики, таълим тизимига сарфланаётган маблағлар бўйича Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Шу билан биргаликда иқтисодийнинг реал соҳаларни кадрлар билан таъминлашда таълим-тарбия тизимида бозор механизмларини кучайтириш вазифаси катта аҳамият касб этмоқда.

Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, унинг объекти бўлган таълим хизматларининг моҳияти ва таркибини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шарти ҳисобланади.

Олий таълим тизимида таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга олий таълим муассасаларининг корхона ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиши орқали амалга оширилади. Жумладан Олий таълим муассасалари тайёрлайдиган кадрларнинг мақсадли малакавий компетенцияга эга бўлишига асосий эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазиятни баҳолаш учун ҳар бир Олий таълим муассасаларида маркетинг хизмати бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

**Олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати бўлими фаолиятида асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжати бўлиб Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2007 йил 10-мартдаги 48-сонли буйруғи «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг маркетинг хизмати бўлими тўғрисида»ги Намунавий Низом ҳисобланади.**

Олий таълим муассасаларидаги маркетинг хизмати бўлимларига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган;

- Таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини узлуксиз амалга ошириш, таълим хизматларига қўйилган, яъни бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг касбий маҳоратини (малакавий сифатларини) ўрганиш ҳамда уларнинг иш берувчилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

- Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим хизматлари бозори ва конъюнктурасига таъсир кўрсатувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 январь

турли хил омиллар ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш.

- Битирувчиларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларга талаб ва таклифлар нисбатини ўз ичига олган ҳолда ишга тақсимлаш объектлари – таълим хизматлари истеъмолчиларини аниқлаш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотлар банкени яратиш.

- Битирувчилар ҳақида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат гранти ва тўлов-шартнома бўйича маълумотлар банкени яратиш;

- Талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчиларнинг мутахассисларга бўлган талаблари бўйича жорий ва истикболли «бююртмалар портфели»ни шакллантириш.

Шакилланган ушбу тизим битирувчиларнинг меҳнат бозорига кириб боришда амалий натижалар бермоқда.

Масалан: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини 2015 йилда жами 525 та мутахассис битирган бўлиб, шулардан 469 таси бакалавр ва 56 таси магистр академик даражасини олган. Давлат гранти асосида бакалавриатни 93 та ва магистратурани 8 та мутахассис битирган. Тўлов контракт бўйича бакалавриатни 376 та ва магистратурани 48 та магистр талабалар тахсил олган.

2014-2015 ўқув йилида битирувчиларни ишга жойлашиши ва ёш мутахассислар меҳнат фаолиятини жойларда ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказилиб белгилаб олинган ҳар бир тадбир бўйича ташкилий ишлар амалга оширилган. Натижада 2015 йил 1 декбрига келиб 2014-2015 ўқув йили битирувчилари бакалавриат битирувчиларнинг 92,8 % иш билан таъминланган, шу жумладан давлат гранти асосида 90 %, тўлов контракт асосида 93,3 %, Магистратура битирувчиларининг 93,5 % иш билан таъминланган, шу жумладан давлат гранти асосида 90 %, тўлов–контракт асосида 95,2 %. ташкил этган.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, маркетинг хизматининг фаолияти ижобий натижага олиб келмоқда. Шу билан биргаликда таълим хизматлари бозорида ҳал этилмаган муаммолар ҳам талайгина. Аввало, битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш муаммосини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги кунда потенциал иш берувчида яратилган иш ўрни ва бу ўринга даъво қилаётган битирувчини ўзаро мослаштириш масаласи ҳал этилмаган.

Бундан ташқари ёш мутахассисга бююртма берган ташкилотнинг жойлашиши ва қуввати битираётган талабанинг қобилияти ва эҳтиёжларига мос келишини таъминлаш қийин кечмоқда. Шу муносабат билан битирувчиларнинг тақсимоти ва тақсимотдан кейинги ташкилот фаолиятида камчиликларни кузатиш мумкин.

Шу муносабат билан Олий таълим муассасаларнинг маркетинг хизматлари ўз фаолиятида биринчи ўринда битирувчи талабаларнинг

таълим ва меҳнат бозорига мослашиш кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса иш берувчи олдида ўзини тутиши, билим ва малакасини намаён қилиши, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш борасида семинар ва тренинглар ўтказиш юқори самара беради деб ҳисоблаймиз.

**N.Xudoyberdiyev** – SamISI dotsenti v.b., ilmiy rahbar,  
**A.Asadova** – SamISI MXT-113 guruh talabasi,

## **TURIZM VA MEHMONXONA BIZNES SUBYEKTLARIDA BUGALTERIYA HISOBINING AHAMIYATI**

Hozirgi kunda turizm iqtisodiyotni rivojlantirishda yetakchi tarmoqlardan biri hisoblanadi. U nafaqat mamlakat iqtisodiyotini balki aholi turmush tarzini yaxshilash uchun ham xizmat qiladi. Mamlakatda turizm infratuzilmasini shakllantirish uchun mamlakat bo`ylab obodonchilik ishlarini olib borish, ko`p yillik tarixga ega bo`lgan joylarni, ziyoratgohlarni, turli xil arxitektura yodgorliklarini izlab topib qayta rekonstruksiya qilish, yo`llarni yaxshilash, yangi avtomobillarni shakllantirish, joylashtirish korxonalarini rivojlantirish, ovqatlantirish korxonalarining ishlash prinsplarini yaxshilab, taomlar sifatini oshirish, aholining madaniy ongini boyitish va ko`plab mamlakat taraqqiyoti uchun xizmat qiladigan islohotlarni amalga oshirish lozim.

Turizm tarmog`ining o`ziga xos xususiyati shundaki, unda tovarlar emas, balki xizmatlar sotiladi. Bu esa yana bir soha xizmat ko`rsatish sohasini rivojlantirishga olib keladi. Xizmat ko`rsatish sohasi rivoji turizm, ta`lim, sog`liqni saqlash, axborot – kommunikatsiya xizmatlarini eksport qilish imkonini beradi. Prezidentimizning 2012 –yil 10 –maydagi «2012 – 2016 – yillarda O`zbekiston Respublikasida xizmat ko`rsatish sohasini rivojlantirish dasturi to`g`risida»gi va 2013 – yil 17 – apreldagi «2013 – 2016 – yillarda qishloq joylarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish yuzasidan qo`shimcha chora - tadbirlar to`g`risida»gi qarorlari xizmat ko`rsatish va servis sohasini rivojlantirishda muhim dasturilamal bo`lmoqda.

Xizmat ko`rsatish va servisni rivojlanish jarayonida xizmatlarni taqdim etuvchi korxonalar tashkil etilib, ular turizmda faoliyat olib borish orqali ko`proq samaraga ega bo`ladilar. Turizm faoliyati bilan shug`ullanuvchi korxonalar boshqa korxonalar kabi ko`p xodimga ega bo`lishi shart emas, uning o`ziga xos osonligi ham shunda. Bunda turizm sohasi mutaxassisi hamda bugalterlik faoliyatini olib boruvchi xodim va kamida bir yo ikkita yordamchilar bo`lishi yetarlidir.

Mamlakatimizda bugalteriya hisobi O`zbekiston Respublikasi «Bugalteriya hisobi to`g`risida»gi Qonun va boshqa qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi.

Turizm va mehmonxona biznes subyektlarida bugalteriya hisobining predmetlari deganda korxonalar, turfirmalar va boshqa tashkilotlarning xo`jalik

Турдибеков Ҳ.И., Мухторов С.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари	47
Хусенов С.У.	Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш инсон капитали сифатини оширишни муҳим омили	49
Қаршиева М.М.	Фуқаролар йиғинларининг фаолиятида интерактив хизматлар тақдим этиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари	54
Каримов А.А., Бекназаров Ф.А.	Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари	57
Хожикүлов Б.Э., Яхёнонов Н.	Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари	60
Султонова Н., Саитов Ш.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти	63
<b>II ШҲЪБА. «ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»</b>		
Қурбонов П.Р., Жумаев Х., Бердиқулова М.	Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари	67
Зоҳидов Ф.Ф.	Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора – тадбирлар ва қонунчиликдаги янгиликлар	70
Эгамов Б., Раджапов К., Хамроев Қ.	Хоразм вилоятида туризм ва меҳмонхона хизматларини ривожлантириш омиллари	72
Суюнов А.С., Суюнова Я.М., Саидов Р., Кушаков М.	Механизм управления инвестиционным проектом инжиниринговой компанией	75
Гаппаров А.Қ., Тилавов О.А.	Туризмнинг ривожланишида экологик ва рекреация туризмларининг ўрни ва уни бошқаришдаги аҳамияти	77
Бабаев Ф., Жиямуратов Р., Бабамурадов Т.	Туристтик корхоналар фаолиятида маркетинг бошқарувининг хусусиятлари	80
Abdusaidov A.A., Sharifov Sh.S., Boboqulov S.B., Бахриев О.	Ish bilan bandlik xizmati axborot bazasini takomillashtirish yo'llari	83
Мусаева Ш.А., Бўтаев.Д.Э.	Олий таълим муассасаларида маркетинг хизматини ташкил этиш муаммолари	87